

## ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОҶИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТУРКМАНИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ ҚИРҒИЗ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ВОҚЕАЛАР ЮЗАСИДАН ҚЎШМА БАЁНОТИ

Қардош Қирғизистон-да содир бўлаётган воқеалар бизни жиддий таъвишга солмоқда.

Кўп асрлик дўстлик ришталари, яхши қўшничилик, умумий маданий ва маънавий қадриятлар билан боғланган яқин қўшнилар сифатида биз ушбу қийин кунларда Қирғизистон халқини мамлакатда тинчликни сақлаш ва барқарорликни тиклаш учун ўзига хос бўлган доноликни намоён этишга чақирамиз.

Қирғизистоннинг барча сиёсий партиялари ва жамоатчилик доиралари тинчлик ва оқолишчиликни таъминлаш, Конституция ва миллий қонунчиликка сўзсиз риоя этиш билан юзга келган муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган саъй-ҳаракатларни амалга оширишга умид билдирамыз.

Қирғизистоннинг равнақи минтақавий ҳавфсизлик ва бутун Марказий Осиё барқарор ривожланишининг муҳим омилдир.

Мамлакатларимизнинг ўтмиши бир, улар умумий келажакни барпо этмоқда. Марказий Осиё халқларини тарихий жиҳатдан келажак авлодлар фаровонлиги учун барқарор тинчлик, тотувлик ва бунёдкорлик истаги бирлаштиради.

Муштарак мақсадларга интилган ҳолда, давлатларимиз савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар алоқаларни, чегараолди ва ҳудудлараро шерикликни кенгайтириш учун минтақавий ҳамкорликни фаол равишда мустақамламоқда.

Марказий Осиё бирдамлигини янада мустақамлаш йўлидан борар эканмиз, биз Қирғизистон халқини унинг ҳамжиҳатлик, тинч, мустақил тараққиёт ва фаровонлик бора-сидаги интилишида доимий кўллаб-қувватлаймиз.

## Туркия матбуоти: «УШБУ НУТҚ, ҲАҚИҚАТАН ҲАМ, ТАРИХИЙ ХИТОБ ЭДИ»

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи ва унда илгари сурилган муҳим ташаббуслар халқаро доирада жуда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур тарихий чиқиш чет эл оммавий ахборот воситалари, хусусан, Туркия матбуотида ҳам фаол ёритилди. Ўз навбатида, ушбу давлатнинг етакчи нашрлари, телеканаллари таникли экспертларнинг Юртбошимиз нутқиға муносабати, фикр-мулоҳазаларини ҳам бериб бормоқда.

## ДУНЁНИГОҲИ

Жумладан, “Anadolu” ахборот агентлиги ва “TRT Avaz” телеканали сайтида “Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясида илк бор ўзбек тилида нутқ сўзлади” сарлавҳали мақола эълон қилинди.



“Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТнинг 75-юбилей сессиясидаги видеомурожаат сифатида нутқида рус тили ўрнига ўзбек тилини танлади, — дея бошланади ушбу материал ва бундай воқелик мамлакатимиз

ҳамкорлари олдидаги мажбуриятлари акс этиши лозимлигини билдирди.

Бундан уч йил олдин БМТ Бош Ассамблеясида Ўзбекистоннинг туб ислохотлар ўтказиш борасидаги азму қарорини айтганини эсга олган Шавкат Мирзиёев, жамиятни



сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар натижасида янги Ўзбекистон шаклланаётганига алоҳида ургу берди”.

Мақолада кичик сарлавҳалар билан давлатимиз раҳбарининг чиқишидаги муҳим жиҳатларга бирма-бир тўхталиб ўтилган. Хусусан, мўълиф Ўзбекистон Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Транспорти-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиб, 2021 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорра-

## Акс садо

## ИШСIZ ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРДА КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУР

Мамлакатимизда хотин-қизлар ва ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Уларнинг бандлигини таъминлаш, ўқиши, муносиб иш шароитида фаолият юритишлари учун барча имконият эшиклари очиб берилаётгани фикримиз исботидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йилнинг 8 октябрь куни жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам айна масала ечимлари атрофида муҳокама қилинди.

Албатта, хотин-қизлар ва ёшлар аҳолининг катта қисmini ташкил қилишини ҳисобга олсак, ижтимоий масалаларнинг аксарияти ҳам улар билан чамбарчас боғлиқлиги аён бўлади. Масалан, хотин-қизлар масалалари бўйича ҳар бир маҳаллада раис ўринбосари, туманда — маҳалла ва оила бўлими бошлиғи ўринбосари ҳамда 2 нафар мутахассис, вилоятда эса 8 нафаргача штат бирлиги берилди.

## ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАР ЕЧИМИНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ

Куни кеча Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда таъкидланганидек, мамлакатимизда хотин-қизлар ва ёшлар аҳолининг катта қисmini ташкил этади. Шундай экан, ижтимоий масалаларнинг аксарияти ҳам улар билан чамбарчас боғлиқ.

Бу муаммоларни қандай ҳал қилиш керак? Аввало, уларнинг олдини олиш орқали. Давлатимиз раҳбари бунинг учун яна бир самарали иш тизimini тақлиф этди.

Маълумки, юртимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхати, яъни “темир дафтар” тузилган эди. Энди худди шунга ўхшаган ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ҳамда вилоят кесимида “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари” шакллантирилади. Бу рўйхатлар “темир дафтар”дан алоҳида бўлади. Унга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билми ҳамда касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар ҳамда хотин-қизлар қиритилади. Бунинг натижасида улар билан тизимли, манзилли иш йўлга қўйилади.

Янги тизимга кўра, энди ҳар

## Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталарида

## КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК МУҲИМ ВАЗИФА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси Энергетика вазирлигининг “Аҳоли ва ишлаб чиқариш қувватларини электр энергияси ва газ билан таъминлаш борасида (айниқса, куз-қиш ойларида фойдаланишида) амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги тўғрисида”ги ахборотини эшитди.

Таъкидланганидек, юртимизда 2020-2021 йиллар куз-қиш мавсумига энергетика соҳасини тайёрлаш ҳамда ёқилғи-энергетика ресурсларини аҳоли, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларига барқарор етказиб бериш тизimini жорий этилиб, ушбу тизим доирасида Энергетика вазирлигининг марказий ҳамда худудий штаблари ташкил қилинди.

Марказий штаб томонидан шу йилнинг октябрга қадар тасдиқланган режа-жадвалларга асосан, ҳар бир худудга чиққан ҳолда, жорий этилган тизим бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати ўрганилиб, аниқланган муаммо ва камчиликлар бартараф қилинди.

Шунингдек, жорий куз-қиш мавсумига энергетика объектиларини сифатли тайёрлаш борасида комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Электр энергияси таъминоти бўйича шу йилнинг октябр ойидан 2021 йил март ойига қадар республиканинг жами эҳтиёжи 40 миллиард 816 миллион кВт соати ташкил этиши кўзда тутилган. Электр энергияни аҳолига бетафлот етказиш мақсадида электр узатиш тармоқларида 400 дан ортиқ трансформаторлар, 600 тонна трансформатор мойи, 100 тонна сим захираси ҳамда 450 та авария-тиклаш бригадалари ташкил қилинди.

Бугунги кунда истеъмолчиларни кўмир билан таъминлашда умумий сигими 362 минг тонна бўлган 91 та омбор хизмат қилаётир, улар 84 та электрон автота-

## ЙИРИК КОРХОНАНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗ ҚУРИЛИШ ВА МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ УЧУН  
СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР ЕТКАЗИБ БЕРМОҚДА



Бугунги кунда иссиқликни сақловчи қурилиш материалига талаб тобора ортиб бормоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, ушбу маҳсулот замон талабларига жавоб беради. Бинобарин, ҳозир бутун дунёда бино ва иншоотлар инновацияни, янги турдаги қурилиш материалларини қўллаш орқали сифатли, ҳар томонлама қулай, энергия тежамкор тарзда бунёд этилмоқда. Хусусан, ривожланган давлатларда бунёдкорлик ишларида газобетон, пенобетон, базальт арматураси, иссиқлик сақловчи материаллар сингари қўллаб қурилиш маҳсулотлари ишлатилапти.



## Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Мамлакатимизда ҳам бу борада дунё тажрибаси изчил қўлланилмоқда. Бино ва иншоотларни барпо этишда иссиқлик сақловчи материалларни қўллаш бўйича шахарсозлик меъёрлари ишлаб чиқилган. Юртимизда иссиқлик сақловчи материалнинг икки туридан, яъни шиша ва базальт толасидан кенг фойдаланилади.

Нафақат маҳаллий, балки жаҳон бозорини ушбу турдаги маҳсулотлар билан таъминлаш, мазкур йўналишда янги санат корхоналарини барпо этиш мақсадида “Ўзсанотқурилишматериаллари” уюшмаси вилоят ҳокимликлари, тижорат банклари билан ҳамкорликда қўллаб йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширмоқда.

## НУФУЗЛИ МИНБАРДА ЯНГРАГАН ТАШАББУСЛАР фаровон ҳаёт ва орзулар рўёбига қаратилган

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида мустақил мамлакатимиз ва энг нуфузли халқаро ташкилот тарихида илк бор ўзбек тилида сўзлаган нутқи, кўпчилик қатори, шу юрт фарзанди сифатида менинг ҳам қалбимни гуруҳ ҳамда ифтихорга тўлдирди. Зотан, бу кунни ота-боболаримиз орзуси ушланган тарихий воқеа, десак, муболаға бўлмайди.

## Муносабат

Президентимиз ўз нутқида Бош Ассамблеянинг 72-сессиясида бўлгани каби Ўзбекистон олдида турган долзарб ва глобал масалаларга, шунингдек, БМТ орқали ечимини топадиган минтақавий муаммолар ҳамда таҳдидлар ҳақида тўхталди.

лакатларига ҳам етиб борди. Бундай таҳликали ва мураккаб вазият Ер юзидаги барча давлат ҳамда халқлар ўзaro боғлиқ эканини, ўрта-мизда мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимлигини исботлади.

Жаҳондаги барча мамлакатлар, ҳукуматлар, парламентлар ва фуқаролар жамиятларининг ўзарo саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, умумий масъулият таъминлашини мустақамлаш, халқарo шерикликни мувофиқ ҳолда ривожлантириш, Жаҳон солиқ-мида маънавийликнинг ўзарo саъй-ҳаракатларини кенгайтириш лозимлиги чуқур англаб етилди. Мақсад эса ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинлик-

ларини, саломатлиги ҳамда фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратишга қаратилган. БМТ шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг иқтисодий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш тақлиф этилди. Бу Ўзбекистон раҳбарининг БМТнинг навбатдаги муҳим умуминсоний ҳужжатини ишлаб чиқиш ташаббусидир.

Ўзбекистонда COVID-19 пандемиясининг салбий оқибатларини юмшатиш учун ижтимоий ҳимоя ва солиқли сақлаш тизимлари кескин қучайтирилди, аҳолига манзилли кўмак кўрсатилмоқда. Халқаро ҳамжамиятнинг пандемияга қарши самарали курашиш бўйича барча ҳаракати, жум-

ладан, зарур дори-дармон ҳамда вакциналар ишлаб чиқариш ва улардан кенг фойдаланишга қаратилган ташаббуслари қўллаб-қувватланмоқда.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари сессияда Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилишни тақлиф этди. Бу тақлифлар умуминсоний ҳаракатга эга. Зеро, мамлакатлар ҳамда миллатларнинг тараққиёт даражаси конвенция, саммит, резолюцияга муносабат билан белгиланади.





# ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ КЛАСТЕРЛАРИ

## ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ЎҚИТИШ СИФАТИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда олий таълим тизимини халқаро миқёсда ривожлантириш, унинг сифатини ошириш ва ўқитишнинг замонавий стандартларини жорий этиш бўйича кенг қўлмали чоралар қўрилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, махсус дастур қабул қилиниб, унга кўра 2017 — 2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш учун 1,7 триллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Шунингдек, 2019 йилнинг 8 октябрида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжатларда белгиланган асосий мақсад юртимизда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, ўқув дастурларининг мазмунини қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни халқаро стандартлар даражасига яқинлаштиришдан иборат.

### Нуктаи назар

Олий таълимнинг ривожланиши ва интеграцияси кучайиши замонавий глобал тенденцияларга боғлиқ бўлиб, у мамлакатимизда олий ўқув юртлари битирувчиларини тайёрлаш сифатини жаҳон талабларига мослаштиришни тақозо этади. Шу сабабли замоннинг янги воқеаларига мос келадиган ҳамда меҳнат бозорининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондирадиган янги таълим тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Давлатимиз раҳбари 6 август куни жорий йилда олий таълим муассасаларига қабулни ташкил қилиш ва 2020/2021 ўқув йилига тайёргарлик қўриш масалалари юзасидан ўтказган йиғилишда “Тараққий этган давлатлар тажрибаси таълим даргоҳларини замон талабларига мослаштириш мақсадан илмий ва технология ютуқларга эришиш қийин бўлишини кўрсатмоқда”, деб алоҳида таъкидлади.

Шу сабабдан жорий йилда нуфузли хорижий университетлар билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг камда 5 та олий таълим муассасаси трансформация қилинади. Бунда, асосан, тузилма ва ўқитиш технологиялари такомиллаштирилади, натижада улар замонавий таълим берадиган ҳамда инновацияларни жорий қиладиган илмий даргоҳга айлантирилади.

Ушбу мақсадга эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун ривожланган давлатларнинг ўқув ҳамда инновацион марказлари бўлган университетлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, Гарбининг етакчи университети таълим хизматларини тақдим этиш билан бир қаторда, “бизнес жараёни” соҳасида ҳам илмий, ҳам амалий харақтердаги тадқиқотлар билан шуғулланадиган йирик илмий марказлар ҳисобланади.

Хориж тажрибаси шунини кўрсатадики, қўллаб-қувватловчи барқарор ривожланишнинг янги даражага кўтарилиши ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган асос, бу — таълим, фан ҳамда инновациядир.

Иқтисодиётнинг янги сифат ҳолатига ўтиши таълим, фан ва кадрлар тайёрлаш

тизимидagi туб ўзгаришларни талаб этади ҳамда уларнинг чуқур интеграциясини таъминлаш билан бевосита алоқадордир. Таъкидлаш жоизки, ривожланган мамлакатлар самарали таълим тизими орқали ялпи ички маҳсулотнинг 40 фоизини олади. Мутахассислар фикрига кўра, таълим тизимида қилинган 1 доллар харажат 3 — 6 доллар фойда келтиради. Шу билан бирга, мамлакатда инновацион фаолиятнинг ривожланиши тўғридан-тўғри фунда-

“Кўнлаб мамлакатлар барқарор ривожланишнинг янги даражага кўтарилиши ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган асос, бу — таълим, фан ҳамда инновациядир.”

ментал ва амалий фанларнинг ҳолати ҳамда илмий-техник ишланмаларнинг тижорат эҳтиёжига боғлиқдир.

Бугунги кунда энг қиммат нарса, бу — инновацион ечимлар ҳамда технологияларни ишлаб чиқишда билимлардан фойдаланиш қобилияти. Бунинг учун янги усуллар, ўқитишнинг янги шакллари, янги мутахассислар керак. Биз келажақда юқори технологияли ва илмий-интенсив ишлаб чиқариш учун кадрлар захирасини шакллантиришимиз лозим. Инновацион таълим тизими ҳамда кенг миқёсда иждоий фикрлайдиган менежерларсиз янги иқтисодиётни яратолмаймиз. Шу билан бирга,



устуворлик қуйидагича бўлиши керак: биринчиси — таълим, иккинчиси — фан, учинчиси — инновацион иқтисодиёт.

Хозирги вақтда ривожланган мамлакатлар миллий бойлигининг 5 фоизи табиий ресурслар, 18 фоизи ишлаб чиқарилган капитал, 77 фоизи билим ва улардан самарали фойдаланиш қобилияти орқали номоён бўлмоқда. Юқолиши жараёнида ишчи кучининг сифати, инсон капитали ҳамда уни ривожлантириш, улардан самарали фойдаланиш кучи муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатлар ва минтақаларнинг инновацион тараққиётида минтақадаги касб-хунар таълими, фан ҳамда маданият интеграторлари мақоми бажарадиган давлат классик университетлари алоҳида ўрин тутди. Бу минтақа ягона таълим маконининг марказида жойлашган университет бўлиб, у нафақат таълим бериш вазифасини бажаради, балки минтақанинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш ва унинг иқтисодиёти ривожланишига таъсир кўрсатадиган муҳим ижтимоий институт — инновацион кластерлар сифатида хизмат қилади.

Хориждаги бундай ўқув ҳамда инновацион кластерлар мамлакатнинг халқаро таълим хизматлари бозоридagi иштирокини қўллаб-қувватлаш учун ҳам яратилган (ЖСТ маълумотларига кўра, 70 фоиз давлатларда). Америка Қўшма Штатлари

ҳамда инновацион кластерлар бўлиб, мазкур мамлакатда энг рақобатбардош таълим ва инновацион кластерлар жойлашган (Калифорния, Нью-Йорк, Массачусетс, Пенсилвания, Нью-Жерси ҳамда АКШнинг бошқа ҳудудларида).

Сўнгги йилларда Сингапур, Хитой, Венгрия, Польша, Чехия ва бошқа мамлакатларда таълим ҳамда инновацион кластерлар босқичма-босқич шакллантирилмоқда.

Европа Иттифоқи ҳудудида турлича инновацион ривожланишга, экспорт ҳажми, даромад ва бошқа хусусиятларга эга бўлган 69 та таълим кластери мавжуд. Энг ривожланган таълим кластерлари

Европанинг Оксфорд, Варшава, Амстердам, Лондон ҳамда Париж шаҳарларида жойлашган.

Таълим ва инновацион кластер нима, унинг самарадорлиги ҳамда афзалликлари нимада?

Таълим кластери, бу — таълим, ўзаро алоқа ҳамда ўз-ўзини ўқитиш тизимидир. У, асосан, горизонтал йўналишларга асосланган инновацион “занжир”дир: таълим — технология — ишлаб чиқариш. Бу кўп босқичли ўқитиш “занжири” ҳисобланади.

Бўлажак мутахассислар таълим муассасаси ва иш берувчи корхонанинг уйғунлиги асосида тайёрланади. Шу билан бирга, корхоналарда сифатни яхшилаш, ўқув вақтинини қисқартириш ҳамда битирувчиларни ишлаб чиқаришга бириктириш талаблари таъминланади. Ишлаб чиқаришнинг жорий ва прогноз талабларини ҳисобга олган ҳолда корхоналар учун мутахассисларнинг малакасини ошириш тизими яратилади.

Шу ўринда айтиш жоиз, кластерлар ҳамда кластерли ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Биринчи навбатда, инновацион таълимга бўлган ёндашувнинг кластерли хусусияти ва ўқув кластерлари инновацион таълимни ташкил этиш жараёнида шаклланади. Ташкилотнинг кластер шакли ялпи инновацион маҳсулотни яратишга ҳамда зарур профессионал кўникмаларга эга юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга олиб келади. Таълим кластерлари концепцияси бошланғич ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларини, ихтисослаштирилган мактабларни, базавий корхоналарни, йирик университетларни истеъмогчилари ҳамда тармок университетги атрофида мутахассисларни бирлаштиришдан иборат.

Илмий ва ўқув кластери мактабдан ишлаб чиқаришга қадар узлуksиз таълимнинг ягона тизимидир. Таълим ҳамда инновацион кластернинг афзалликлари фаннинг сифати, узлуksизлик, мавжудлиги, таълимнинг рақобатдошлигидадир.

Таълим кластерлари ўқув жараёнини самарали ташкил қилишнинг қуйидаги муҳим шакллари ўзига ифода этади: **биринчидан**, кадрларни тайаб қилинадиган мутахассисликлар бўйича аниқлаш ва ўқитиш;

**иккинчидан**, ўқув-услубий махмуа таркибини тузиш ва ўз вақтида янгиллаш, моддий-техника базасини яратиш;

**учинчидан**, илмий тадқиқот ҳамда ишланмаларни мақсадли молиялаштириш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;

**тўртинчидан**, меҳнат бозорига кадрлар рақобатбардошлигини таъминлаш.

Ушбу жараёнда бизнес ўзини барқамол, юқори малакали кадрлар билан таъминлайди, давлат ижтимоий-иқтисодий, инновацион ривожланишга эришади.

Таълим кластери шакллантирилиши натижасида таълим самарадорлиги ва сифати ошади, иш берувчиларнинг талабига биноан юқори малакали кадрлар тайёрланади ҳамда улардан самарали фойдаланилади. Таълим, иқтисодий, ижтимоий ва технологик характердаги йирик дастур-

лар ҳамда лойиҳалар ишлаб чиқилади, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни фаоллаштириш, шунингдек, уларни амалга ошириш учун шароит яратилади. Таълим, фан, маданият, технология ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда интеллектуал, моддий ва ахборот ресурслари самарадорлиги ошади.

Таълим кластерида таълим муассасалари, иш берувчилар ҳамда иқро этувчи ҳокимиятларнинг ҳамкорлиги асосида илмий, ўқув, ишлаб чиқариш, ресурс, инфратузилма потенциалдан биргаликда фойдаланиш, маъмурий ресурсларни жалб қилиш, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эришиш имконияти пайдо бўлади.


Шундай қилиб, таълим кластерини шакллантиришда таълим бозори ва меҳнат бозорининг ўзаро таъсири билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳал этилмоқда. Аввало, буюртма бериш механизми яратилапти, яъни жамиятдан, жумладан, бизнесдан келиб чиқадиган талабларнинг аниқ шаклланиши мавжуд. Бизнес макро

жорат ташкилотлари, жамғармалар ва бошқалар.

Таълим кластерини шакллантиришда унинг субъектлари ўртасидаги муносабатларга алоҳида эътибор бериш керак. Структурада ахборот базаси кластер элементлари орасидаги ўзаро боғлиқликнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. У кластер субъектларининг ахборот базасига киришга қараб муайян миқдордаги ахборотни маълум каналларда тўплаш, ишлов бериш ва узатишга тизимли ёндашув асосида яратилади.

Минтақавий ўқув кластерини ташкил этиш тамойиллари унинг самарадорлиги ва ривожланишига катта ҳисса қўшади. Ушбу кластердаги ҳар бир субъект иқтисодий жиҳатдан мустақилдир, аммо у сифатли туристик маҳсулотни шакллантириш “занжири”да иштирок этади.

Хулоса қилиб шунини таъкидлашни истардимки, республикамиз ўзини бугунги кунда инновацион таълим кластерларини яратиш жараёни маълум маънода бошланган. Мазкур жараёнда олий таълим тизими олдида қўйилган вазифаларни қисқа вақт ичида ҳал қилиш



Сурат: Халқ сўзи. фотожамлашдан олindi.

ҳамда микро даражада ижобий тенденцияларда акс этадиган инсон капиталига сармоя қиритишнинг муҳимлигини аниқлаб етади. Талабанинг ижтимоий ҳаракатчанлиги ўқув кластерининг субъекти сифатида ошади. Тадбиркорлик секторида янги ҳўжалик субъектлари пайдо бўлади.

Таълим кластери тармокларро ва идораларро хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўз таркибига қуйидаги муассасаларнинг қиритилишини тақозо этади:

— тегишли иқтисодиёт тармоклари ва таълимни бошқарувчи органлар;

— соҳага оид фаолиятга ихтисослаштирилган ўқув юртлари;

— иқтисодий фаолиятнинг ушбу соҳаларида асосий иш берувчилар бўлган “қўллаб-қувватловчи” ташкилотлар (тижорат тузилмалари);

— ихтисослаштирилган соҳаларда фаолият юритадиган нотижорат профессионал тузилмалар, касаба уюшмалари, уюшмалар;

— иқтисодиётнинг тегишли соҳаларини ривожлантиришни қўллаб-қувватловчи ти-

учун таълим стандартлари ҳамда дастурларни бирлаштириш борасида фаол ҳаракат қилишнинг керак. Илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясига асосланган назария ҳамда амалиётни яқинлаштириш тарафдори бўлган талаблар — бўлажак соҳа мутахассислари шу йўл билан сифатли ва самарали тарзда ўқитилад.

Шу билан бирга, янги стандартларни шакллантиришда жаҳондаги етакчи университетларнинг ўз битирувчилари компетенцияларини самарали шакллантириш борасидаги тажрибасини ўрганиш, битирувчиларга мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда зарур даражадаги тайёргарлиқни таъминлашга имкон берадиган таълим дастурлари ва сифат кўрсаткичлари тизимини янада ривожлантириш зарур.

**Муҳиддин ПЎЛАТОВ,**  
**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори,**  
**иқтисодиёт фанлари доктори,**  
**профессор.**

### ЭЪЛОНЛАР

## БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ОЛИЙ МАКТАБИ МАГИСТРАТУРАСИГА

2020/2021 ўқув йили учун қабул эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби 2020/2021 ўқув йили учун қуйидаги магистратура мутахассисликлари бўйича тўлов-контракт асосида кундузги ҳамда сиртқи таълим шаклларига қабул эълон қилади:

- **Бизнес бошқаруви (Master of Business Administration — MBA)** — ўқиш муддати: 2 йил.
- **Лойиҳа бошқаруви (Project Management)** — ўқиш муддати: 1 йил.

Магистратурага кириш истагини билдирган номзодлар комиссияга веб-сайт орқали Олий мактаб директори номига қуйидаги ҳужжатларнинг нусхаларини илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат этади:

- давлат бошқаруви органлари, ҳўжалик бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектлари биринчи раҳбарларининг имзоси қўйилган тавсия хати;
- олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси;
- 4х6 см. ўлчамдаги рангли фотосурат;
- 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;
- паспорт (имтиҳон вақтида асл нусхаси тақдим этилади);
- инглиз тилини билиш даражасини тасдиқловчи белгиланган намунадаги ҳужжат (агар мавжуд бўлса).

Магистратурага кириш имтиҳонларидан (суҳбат ва тестдан) муваффақиятли ўтган номзодлар юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг аслини ёки уларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаларини олий мактабга тақдим этади.

**Номзодларга қўйиладиган талаблар:** олий маълумотга ва олий таълим муассасасини тамомлагандан кейин камда уч йил иш стажига эга 45 ёшгача бўлган (ўқитишнинг фақат кундузги шаклига) номзодлар суҳбат ва тест синовлари натижалари бўйича очиқ танлов асосида қабул қилинади.

Магистратурага кириш учун ҳужжат топшириш муддати (даври) — 2020 йилнинг 25 октябригача.

Қабул комиссиясининг ишлаш жадвали: душанба — жума кунлари, соат 9.00 дан 18.00 гача. Ўқишга ҳужжат топшириш фақат электрон шаклда олий мактабнинг веб-сайти орқали ҳар куни 24 соат мобайнида амалга оширилади.

**Батафсил маълумот учун телефонлар:** 71-239-03-11, 71-239-03-03, 71-239-03-05.

**Веб-сайт:** <https://rgsbm.uz>

**Телеграм:** [t.me/rgsbm\\_uz](https://t.me/rgsbm_uz)

**Фейсбук:** [fb.com/rgsbm.uz](https://fb.com/rgsbm.uz)

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миробод кўчаси, 25-уй. Мўлжал: «PremierHall» кинотеатри.

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 30 702 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилиш

#### ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;

Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



ISSN 2010-6784

472020106784001

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

#### • МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.

Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6